

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Тошкент ислом университети**

Рахматуллоҳ қори Обидов

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ  
ТАФСИР СОҲАСИДА  
ТАДҚИҚОТЛАРИ**

Тошкент ислом университети малака ошириш  
курси учун маъруза матни

**Тошкент-2008**

## Кириш

VIII асрдан бошлаб Мовароуннахр диёрига ислом дини кириб келар экан, шу муносабат билан миллий маданиятнинг янги кўриниш касб этиш жараёни инсонлар ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида-тил, санъат, маориф, дин, ахлоқ, маиший ҳаёт ва бошқа соҳаларда юз бера бошлади. Бу жараёнларда сўзсиз уламоларнинг ўрни юқори бўлган. Шу сабабли Марказий Осиёда ислом тарихини, хусусиятларини тадқиқ этишда уламолар гуруҳлари, мактаблари вужудга келиши, ривожланиши, буюк намояндаларининг ижоди, фаолияти, таълимотлари, улар ўртасидаги алоқаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўзлигимизни англаш учун ўтмиш маданиятимиз ва санъатимиз, ота-боболаримиз маънавий ўғитларини, уларнинг маданияти, диний дунёқараши, дунёвий тафаккурини билишимизнинг зарурияти кучаймоқда. Бу эҳтиёжни қондириш эса тарихни илмий ўрганиш, уни тадқиқ этиш орқали бўлиши табиийдир. Ўтмишда яратилган маънавий-маданий ва адабий меросларни ҳозирги кунда бемалол ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни нашр этиш имкониятлари мавжуд. Муқаддас илоҳий китоб-Қуръони карим ўзида жам қилган мавзулар кўламини ва мазмунлар мундарижасини тўла ўрганиб чиқишга бор салоҳиятини ишга солса ҳам бани одам ожизлик қилади. Бироқ инсоният тарбияси учун нозил қилинган улуғ мўъжизанинг инсонлар билиши ва амал қилиши лозим бўлган жиҳатлари борки, уларни тафсир ва талқин этиб, халқ истифодасига тақдим этиш уламолар зиммасига масъулият юклайдики, бу машаққатли вазифани Абу Лайс ас-Самарқандий, Ан-Насафий, Аз-Замахшарий каби қадимги уламолар уддасидан чиққанлар ва Аллоҳнинг муқаддас каломи Қуръони карим маъноларини тафсир ва таъвил қилиб, омма халқ орасида уни тушуниб, амал қилишга даъват этганлар. Диёримиздан чиққан ана шундай уламолардан бир нечталари томонидан динимиз ва халқимиз учун қолдирилган илмий меросларининг баъзи бирларини қуйида мушоҳада қиламиз.

### 1 фасл. Қадимги асрларда ижод қилган муфассирлар

Маълумки, қадимги уламолар ҳузурида Қуръони карим тафсири билан ҳадис бир нарса эди, яъни Муҳаммад (с.а.в.) тарафидан Қуръони карим оятларига берилган изоҳларни бошқа ҳадислар қаторида ривоят қилинар эди. Қуръони карим тафсири, девон қилингунига қадар, ҳадис китобларининг бир боби сифатида ёзилган. Шу сабабли муҳаддис олимлар ҳам муфассирлар қаторида саналганлар.

1. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ат-Тамимий ад-Доримий 798 йилда Самарқандда таваллуд топган муҳаддис бўлиб, тафсиршуносликда ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган улуғ олимдир. У илм талабида Хуросон, Шом, Ироқ, Миср ва Ҳижоз шаҳарларида бўлган. Ад-Доримийдан Имом Муслим, Абу Довуд, Ат-Термизий ва Ан-Насайи ҳадис ўрганганлар<sup>1</sup>. Улуғ муҳаддис олим ад-Доримий 869(255 ҳ.) йилда вафот этган.

Имом ад-Доримийнинг “Сунан ад-Доримий” номли ҳадислар мажмуъаси Абдулазиз ал-Холидий таҳрири остида Байрутнинг “Дор ал-кутуб ал-илмия” нашриётида 1996 йил 1-2 жилд ҳолида чоп этилган. Китобнинг 2-жилди 429-474 саҳифалар орасида “Фазоил ал-Қуръон” номли боб мавжуд бўлиб, у 35 фаслдан, яъни кичик боблардан ташкил топган. Унда Қуръони карим оятларининг таъвили ва тафсирига оид маълумотлар бўлмаса ҳам, тафсир илмига алоқадор бўлган ривоятлар, баъзи сура ва оятларнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар жамланган. Мисол тариқасида битта ҳадисни келтирамиз: “Муслим ибн Иброҳим Ҳишом ва Ҳамомдан, икковлари

<sup>1</sup> Ал-Мунжид.-Байрут: Дор ал-машрик, 1973. –Б. 278.

Қатодадан, у Зурора ибн Абу Авфодан, у Саъд ибн Хишомдан, у эса Ойша (р.а.)дан ривоят қилиндики, Муҳаммад(с.а.в.) деди: “Албатта Қуръонни моҳирлик билан ўқиган улуғ фаришталар билан бўладилар. Қуръонни қийинчилик билан ўрганиб қироат қилган киши учун эса икки мукофот бордир”<sup>2</sup>. Афсуски, юртдошимиз Имом ад-Доримийнинг “Сунан”и кўллезмасини Абу Райҳон ал-Беруний номидаги шарқшунослик институти кўллезмалар фондида учратмадик.

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳижратнинг 194 (мил.809 й.) йили Шаввол ойининг ўн учинчи куни-жумъа куни Бухорода таваллуд топган<sup>3</sup>. Ҳижратнинг 256 йили Рамазон ойида арафа куни кечаси 62 ёшда вафот этди. У зот имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси саналади. Йигирмадан ортиқ китоблар муаллифидир. «Кашф аз-зунун» китобида берилган маълумотга қараганда, Имом Бухорий Қуръони карим тафсири борасида ҳам баракали иш қилган. Бу тафсир «Ат-Тафсир ал-кабир» деб номланган. Лекин афсуски, бу тафсир бизгача етиб келмаган. Шунга қарамасдан Имом Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобининг 3-жилдида Қуръон оятларининг тафсири ҳақида мингдан ортиқ ҳадислар ривоят қилган ва Қуръони каримнинг қисқача тафсирини мазкур китобга жойлаган. Иккинчи ҳижрий йилгача Қуръон тафсири ҳадис билан бирга эди. Бу вақтдаги тафсирлар фақат ҳадислар орқали ривоят асосидаги баён бўлиб, улар «тафсир бил-маъсур» деб номланган. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобининг 3-жилди 149- бетдан: «Бисмиллаҳир роҳманир. Қуръон тафсири китоби» деб бошланган ва ҳар бир мавзу алоҳида боб қилинган. Ҳар бир боб: «Аллоҳ таолонинг қавли» жумласи билан бошланиб, шу оятга муносиб ҳадислар ривоят қилинган ва 384-бетда «Дилинғизни (хаёлинғизни) бир жойга йиғиб Қуръон ўқинғиз!» деган боб билан яқунланган. Ҳадис китобининг 3-жилдидаги Қуръон тафсири китоби тадқиқот муаллифи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

3. Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн Сура ибн Мусо ибн Аз-Заҳҳок ас-Сулламий ат-Термизий 824(209 х.) йилда Термизда таваллуд топган улуғ муҳаддис олимдир<sup>4</sup>. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдек муҳаддислар султони ҳам ўзининг «Ас-Саҳиҳ»ида Ат-Термизийдан ҳадислар ривоят қилишининг ўзи у зотнинг нақадар улуғлигига, ишончли муҳаддислигига далолат қилади. Ат-Термизий Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳиҳ ҳадисларини жамлаш мақсадида Хуросон, Ироқ ва Ҳижознинг жуда кўп шаҳарларини кезади, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн /айлон, Саъид ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар, Суфён ибн Вакиъ ва Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийлардан ҳадис ўрганади, ўнлаб шогирдларга билганини ўргатади ва бу улуғ меҳнатининг ва чуқур илмининг маҳсули сифатида «Китоб ал-Асмо вал-Куно», «Аш-Шамоил ан-набавийя», «Ат-Таворих», «Ал-Илал» ва «Китоб аз-Зухд» китобларини таълиф этади. Ат-Термизий 892(279 х.) йилда Термизда вафот этади<sup>5</sup>.

Абу Ийсо ат-Термизий ҳам ўзининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ёки “Ас-Сунан” номли асарида “Китоб фазоил ал-Қуръон”, “Китоб ал-Қироот” ва “Китоб тафсир ал-Қуръон” номли бобларни келтириб, унда тафсирга алоқадор ривоятларни баён қилган.

Айниқса, асарнинг “Китоб тафсир ал-Қуръон” бобида Қуръоннинг барча суралари анъанавий тартибда “Фотиҳа (I)” сурасидан “ан-Нос(114)” сурасигача берилган ва уларнинг фазилатлари ҳақидаги Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан келтирилган. Ат-Термизийнинг ушбу китоби “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” номи билан 1995 йилда Байрутнинг “Дор эҳё ат-турос ал-арабий” нашриётида беш жилдли қилиб нашр этилган. Асарнинг биринчи жилди 1999 йил Тошкентда “Адолат” нашриётида Мирзо Кенжабек томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

<sup>2</sup> Ад-Доримий. Сунан ад-Доримий.-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. Т.2. –Б. 444.

<sup>3</sup> Имом Бухорийнинг ҳаёт ва фаолияти «Ал-Адаб ал-муфрад» ҳадислар мажмуъасининг муқаддимасида Шамсуддин Бобохонов тарафидан батафсил равишда ёритилган. Қаранг: Имом Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Таржимон ва муқаддима муаллифи Ш. Бобохонов.-Т.: Мовароуннахр, 2006.-479 б.

<sup>4</sup> Ал-Мунжид. –Б. 186.

<sup>5</sup> Муҳаммад Абу Заҳу. Ал-ҳадис вал-муҳаддисун.- Б. 361.

4. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий хижрий сананинг 233-240 йиллар орасида Самарқанднинг Мотрит кишлоғида таваллуд топган. Мусулмонлар орасида «Имом ал-худо, мусахҳиҳ ақидат ал-муслимийн» номлари билан машхур, суннийлик йўналишининг мотуридия мактаби асосчиси, буюк мутакаллимдир. У 944 (333 х.) йилда вафот этган<sup>6</sup>. Мотуридий Абу Ҳанифа издошларидан бўлиб, Абу Наср ал-Иёзий, Абу Бакр Аҳмад ал-Жўзжоний, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий, Насир ибн Яҳё ал-Балхий каби устозлар кўлида таълим олган, Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Қозий ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Абдул Карим ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ас-Самарқандий, Абу Абдурраҳмон ибн Абул Лайс ал-Бухорий каби шогирдлар тарбиялаган. Мотуридийдан жуда кўп асар қолган. «Мотуридийя» ақидасининг манбаси саналган «Китоб ат-тавҳид» ёки «Ал-Мақолот», «Ар-Радду ала Қаромита», «Баёну ваҳмил Мўътазила», «Раддул имома либаъз ар-Равофиз», «Радду авоил ал-адилла лил Каъбий» асарлар шулар жумласидандир. Мотуридий ўзининг тафсири «Китоб таъвилот аҳлис-Сунна» ёки «Китоб таъвилот ал-Қуръон»<sup>7</sup> номли тафсирида илми калом уламолари йўлидан борган ва Қуръони каримни ақидада аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қувватлаб тафсир қилган. Унинг асари Мовароуннаҳрда илк яратилган тафсир асарларидандир.

Мотуридийнинг тафсири ундан аввалги тафсирлардан услуби билан фарқ қилади. Масалан, бошқа тафсирларда муфассир томонидан оятнинг мазмуни баён этилиб, ундан сўнг баъзи қисқа ривоятлар келтириш билан кифояланган, танқидий, таҳлилий фикрлар билдирилмаган бўлса, Мотуридий ҳар бир оятни оятлар, ҳадислар ва саҳобийлар, тобейларнинг сўзлари билан шарҳлашга, ақлни ишлатиб, оятларни таъвил қилишга эътибор беради. Лекин у раъй ва ижтиҳоддан истифода этганда, ўз фикр ва мулоҳазаларини Қуръон ва ҳадисга саркашлик қилмаган ҳолда билдиради. Умуман айтганда, Мотуридийнинг тафсир қилишдаги янгича услуби шуки, у ақлий далил билан нақлий далилни уйғунлаштириб келтириши, Қуръонга қилинган турли шарҳларни қиёслаб охирида ўз фикрини ёки муфассирлар фикрларидан бирини устун кўришидадир. Мисол учун «Фотиҳа» сурасининг тафсирида «Бисмиллаҳ»ни шундай тафсир қилади: **«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман»**. Тасмийя (Бисмиллаҳ) Қуръондан бир оят бўлиб, «Фотиҳа» сурасидан эмасдир. Унинг алоҳида бир оятлигига далил Муҳаммад (с.а.в.)дан ривоят қилинган ушбу ҳадисдир. Муҳаммад (с.а.в.) Убай ибн Каъб (р.а.)га деди: *«Мен сенга бир оятни ўргатаман, мендан аввал бу оят Сулаймон ибн Довуд (а.с.)дан бошқага нозил бўлган эмас»*. Икки оёғидан бирини чиқарди, яъни ўтирган ҳолатини ўзгартирди, кейин Убайга деди: *“Қуръон қайси оят билан бошланади?”* Убай ибн Каъб: *“Бисмиллаҳ” билан*,-деб жавоб берди. Муҳаммад (с.а.в.): *“Ўша оят шудир!”*-деди. Шунга кўра “Бисмиллаҳ” Қуръоннинг бир оятидир. Агар сураларнинг бир ояти бўлса, у бир оят эмас, балки 113 оят бўлиб қолади. Шу билан бирга “Бисмиллаҳ” Қуръоннинг эмас, сураларнинг очқичи бўлиб қолади. Шу сабабли у қироатда очиқ ўқилмайди”.

Мотуридий тафсир билан таъвилни ҳам ўзига хос таъриф қилган. У шундай дейди: *“Тафсир саҳобалар учун, таъвил эса фақиҳлар учундир. Зеро саҳобалар ваҳийнинг тушишига шохид бўлган кишилар бўлиб, уларнинг сўзлари Қуръонни ўзича тафсир қилиш эмас, кўрган ва билганини баён қилишдир. Саҳобалардан кейинги замон олимларининг сўзларини тафсир деб бўлмайди, зеро улар қандай фикр билдирсалар ҳам, кўрганларини эмас, ақллари етганини сўзлайдилар. Бу ўзбошимчалик бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.): “Кимки Қуръонни ўзбошимчалик билан тафсир қилса, у ўзига дўзахдан жой тайёрлаб қўйгандир”*,-деган. Демак, саҳобалардан

<sup>6</sup> Ал-Мотуридий. Таъвийлот аҳлис-Сунна.- Байрут: 2005. Т.1-15. Ушбу асар мисрлик тадқиқотчи доктор Маждий Босаллум томонидан тадқиқ этилиб, нашр қилинган. Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан эса Ш. Зиёдов томонидан илмий тадқиқ этилган.

<sup>7</sup> Мотуридийнинг ушбу тафсири қўлёзмалари «Таъвийлот ал-Қуръон» номи билан Туркия, Германия, Дамашк, Мадинаи мунаввара ва Британия музейида мавжуддир. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Таъвийлоти аҳли сунна» номи билан 5126 рақам остида сақланмоқда.

бошқа кишилар Куръон маъноларини тушунтирсалар, уни тафсир эмас, таъвил деб аташ мумкин. Таъвилда тўғри топган одам икки савобга, хато қилган одам бир савобга эга бўлади”<sup>8</sup>.

Доктор Маждий Босаллум мазкур тафсир хусусида тадқиқот олиб бориб, Мотуридий яшаган даврни ўта ҳассослик билан ўрганган ва тадқиқотининг 1-бобини “Аср ал-Мотуридий” деб номлаб, унда Аббосийлар давлатининг вужудга келиши, ундаги сиёсат тизими, турли илмлар соҳасидаги тараққиёт, ўша даврдаги илмий ва фикрий ҳаёт ҳақида, 2-бобда Мотуридийнинг ҳаёт ва фаолияти, устозлари ва шогирдлари ҳамда Мотуридийнинг илмга қўшган ҳиссаси ҳақида, 3-бобда ўша даврда исломда пайдо бўлган диний мазҳаблар, ақидавий фирқалар ҳақида, 4-бобда тафсир илмининг ривожланиши, тафсир мактаблари, қадимги ва ҳозирги тафсирларнинг хусусияти ҳақида, 5-бобда Мотуридийнинг муфассирлик фаолияти, тафсирда янгича усул, яъни ақлга суяниб ижтиҳод қилиш, Мотуридий тафсир услубининг кейинги муфассирлар ижодига таъсири ҳақида батафсил маълумотлар келтирган. Бу тадқиқот Мотуридий тафсирига муқаддима сифатида Маждий Босаллум таҳрири остида 2005 йилда Байрутда 15 мужалладда нашр этилган “Таъвийлот аҳлис сунна” ёки “Тафсири Мотуридий” китобининг 1-мужалладида келтирилган.

5. Абу Лайснинг тўлиқ номи Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Самарқандий ал-фақиҳ ал-ҳанафий бўлиб, «Имом ал-худо» лақаби билан машҳурдир<sup>9</sup>. Абу Лайс фикҳ илмини Абу Жаъфар ал-Ҳиндувонийдан олган. Абу Лайснинг энг яхши муаллафотларидан «Баҳр ал-улум» номли тафсири, фикҳ соҳасида ёзилган «Ан-Навозил», «Хизонат ал-фикҳ», ҳадисларлар мажмуасидан иборат бўлган «Танбиҳ ал-ғофилин» ва «Бўстон ал-орифин» китоблари эл орасида маълум ва машҳурдир. Унинг вафотини олимлар 373 х. ёки 375 х. сана деб айтадилар.

«Кашф аз-зунун» китобининг муаллифи шундай ёзади: «Абу Лайс ас-Самарқандийнинг «Баҳр ал-улум» тафсири жуда машҳур, ажойиб китобдир. Унда келтирилган ҳадислар 854 х. йилда вафот этган Шайх Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо ал-ҳанафий томонидан ривоят қилинган. Бу тафсирнинг уч жилдли кўлёзма нусхаси Миср кутубхонасида, яна икки нусха кўлёмаси Ал-Азҳар кутубхонасида сақланмоқда. Ал-Азҳардаги икки нусханинг бири икки жилдли, яна бири эса уч жилдлидир.

Абу Лайснинг тафсири том маънодаги нақлий тафсирдир. Ҳар бир оятнинг тафсирида саҳобалар ва тобейлар ривоятларидан кенг фойдаланган, бироқ ровийлар санади тарк этилган. Камдан кам ҳадисларда ровийлар санади учрайди. Шу билан бирга, олимларнинг гапларига ва ривоятлардаги ихтилофларга ҳеч қандай муносабат билдирмайди.

Баъзи жойларда луғатга бироз изоҳ беради, оятни оятлар билан шарҳлайди, шу билан бирга, исроилий ривоятларни ҳам келтириб, уларнинг ростлигини ҳам, нотўғрилигини ҳам айтмайди. Ривоятларда «баъзилар айтганлар» иборасини кўп келтиради, аммо ўша «баъзилар» кимлар эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Қалбий, Садий сингари ишончсиз ровийлардан ҳам ҳадис ривоят қилган. Аммо оятлардаги баъзи мушкулликларни яхши очиб берган ва таноқуз<sup>10</sup>ларга тўхталиб, уларнинг сабабларини кўрсатган ва равшанлаштириб берган.

Муфассир ўз тафсирида нақлий тафсирдан фойдаланиш билан бирга, ақлий жиҳатини ҳам тарк этмаган. Умуман олганда, китоб жуда қимматли, фойдали, нақлий ва ақлий мазмунларни ўзида мужассам этган бебаҳо асардир.

6. Аз-Замахшарийнинг тўлиқ номи Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий ал-Имом ал-Ҳанафий ал-Мўътазилий бўлиб, лақаби «Жоруллоҳ»<sup>11</sup>, 467

<sup>8</sup> Ал-Мотуридий. Таъвилот аҳлис-сунна.-Б. 349.

<sup>9</sup> Абу Лайс ас-Самарқандийнинг «Баҳр ал-улум» номли тафсири устида Тошкент ислом университети аспиранти А. Абдуллаев томонидан илмий мавзуда тадқиқотлар олиб борилгани ва муфассирнинг таржимаи ҳоли мустақиллик даврида унинг ўзбек тилида босилиб чиққан асарларида берилганлигини назарда тутиб, бу ерда батафсил тўхталмадик.

<sup>10</sup> Таноқуз-оятларнинг маънолари орасидаги зиддият.

<sup>11</sup> Аз-Замахшарий Маккага сафар қилган. Каъбага яқин жойда бир неча йил истиқомат қилгани учун «Жоруллоҳ» (Аллоҳнинг қўшниси) лақаби билан машҳур бўлган.

х.(1075 мил.) йилда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Унинг биринчи устози замонасининг илмли кишиларидан саналган ўз отаси бўлган. Кейинчалик у илм даражасини Бухорода оширган, Бағдодга келиб, буюк устозлар ҳузурида таълим олган. Хуросонга бир неча марта борган. Қаерга бормасин, атрофига одамлар йиғилиб, унга шогирд бўлишган. Ким билан мунозара қилмасин, у таслим бўлиб, аз-Замахшарийнинг илмини эътироф этган. Шундай қилиб, унинг овозаси бутун оламга ёйилди ва замонасининг ягона алломасига айланди. Аз-Замахшарийнинг турли илм соҳаларида ўта ҳассослик билан таълиф этган асарлари бор. Унинг наҳв ҳақида «Ал-Муҳожот», «Ал-Муфассал», араб тилида «Ал-муфрад вал-мураккаб», ҳадис тафсирида «Ал-Фоиқ», луғатда «Асос ал-балоға», фикҳда эса «Руус ал-масоил» номли китоблари мавжуд бўлиб, улар орасида «Ал-Кашшоф» тафсири жуда машҳурдир. Унда аз-Замахшарий Муҳаммад (с.а.в.)дан ва бошқа салаф уламоларидан жуда кўп оятлар тафсирини ривоят қилган ва унга эътимод қилган.

Аз-Замахшарий Маккадан қайтиб келганидан сўнг, 538 х.(1143 мил.) йилда Хоразмнинг Журжония қишлоғида вафот этган<sup>12</sup>.

Аз-Замахшарий мазҳабда Имом Аъзам йўлини танлаган бўлса-да, ақидада мўътазилийдир. Ибн Халликон «Вафаёт ал-аъён» китобида шундай ёзади: «Аз-Замахшарийнинг эътиқоди мўътазилийдир. У ўзининг эътиқодини яширмасдан, аксинча фахрланиб юрган. Айтишларича, у бирор кишининг ҳузурига борса, эшик қоровулига: «Абул Қосим мўътазилий келиб, эшик олдида киришга изн сўрапти, деб айтгин»,-деб буюрар экан»<sup>13</sup>.

«Ал-Кашшоф» гарчи эътизолий ақидага мувофиқ ёзилган бўлса ҳам, жуда юкори қимматга эга бўлган тафсир ҳисобланади. Қуръони каримнинг мўъжизлик сири, назмининг гўзаллиги ва балоғатдаги юксак даражаси муаллиф томонидан очиб берилган. Бунинг сабаби Замахшарийнинг жуда кўп илм соҳаларини, хусусан араб луғатининг жозибакорлиги, ашъорлар, балоғат, баён, эъроб, адаб илмларини мукаммал билганлигидир. Аз-Замахшарий оятлардаги жозибани дарҳол илғаб оларди. Ўзининг бундай фазилат эгаси эканлигига тафсирнинг мукаддимасида ишора этади: «Илмларнинг энг нозиги, ҳар қандай ақлни ҳайрон қиладигани тафсир илми бўлиб, унга ҳар қандай олим журъат қилавермайди. Жоҳиз<sup>14</sup> «Назм ал-Қуръон» китобида ёзганидек, фақиҳ агар ҳукм ва фатвода барча тенгдошларидан ғолиб бўлса ҳам, мутакаллим гарчи калом санъатида аҳли дунёларни лол этса ҳам, тарихчи ва ҳофиз Қирриянинг ўғли<sup>15</sup>дан зехни ўткирроқ, воъиз агар Ҳасан ал-Басрий<sup>16</sup>дан гапдонроқ, наҳвий агар Сийбавайх<sup>17</sup>дан билимдонроқ бўлса ҳам, луғат олими луғатларни сақичдек чайнаб ташласа ҳам, аммо улар Қуръон йўли олдида ҳақиқатни идрок этишдан ожиздир. Аммо Қуръонга хос бўлган икки илм: маъоний ва баёнда ўткир илм соҳибби бу ишни уддасидан чиқиши мумкин»<sup>18</sup>.

Аллома Тожиддин ас-Субкий ўзининг «Муъид ан-ниъам ва мубид ан-ниқам» китобида шундай ёзади: «Билинги, албатта «Ал-Кашшоф» тафсири улуг китобдир, унинг муаллифи ўз фанида имомдир»<sup>19</sup>. Немис тадқиқотчиси Улрих Рудолф И. Голдциэр ва Гётеларнинг

<sup>12</sup> Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Т.2.-Б. 509; Ал-Жалол ас-Суютий. Табакот ал- муфассирин. –Б. 41.

<sup>13</sup> Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Т.2.-Б. 509.

<sup>14</sup> Абу Усмон ал-Жоҳиз (775-868 й.) араб адабиёти намояндаларидан бири, Басрада туғилиб, шу ерда вафот этган. Мўътазила фирқаларидан бири «Ал-Жоҳизия»нинг асосчиси. Унинг «Ал- Ҳайвон», «Ал-Баён ват-Табйин», «Ал-Бухало» ва «Ат-Тож» асарлари машҳур (Ал-Мунжид, -Б. 206.).

<sup>15</sup> Унинг исми Айюб, араб суҳандонларидан бири. Қиррия эса унинг онаси(Ал-Мунжид, -Б. 550.).

<sup>16</sup> Абу Саъид ал-Ҳасан ал-Басрий (642-728 й.) тобийий, Мадинада туғилган ва Басрада вафот этган. Усмон ибн Аффон ва Абдуллоҳ ибн Аббос билан кўришган. Барча диний илмлар соҳасида пешво бўлган, тасаввуф намояндаси (Ал-Мунжид, -Б. 236.).

<sup>17</sup> Абу Башар Амр ибн Усмон (ваф. 796 й.) Шероз яқинидаги ал-Байзо шаҳрида туғилган ва шу ерда вафот этган. Ҳаёти Басрада ўтган, машҳур наҳвий олим Халил ибн Аҳмаддан илм ўрганган. Басралик наҳвийларнинг имоми саналади (Ал-Мунжид, -Б. 375.).

<sup>18</sup> Аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф. Т. 1.-Б. 12-15.

<sup>19</sup> Аз-Заҳабий. Ат-тафсир вал-муфассирун. Т.1.-Б. 311



9. Аш-Шайх Камолиддин Абул /аноим Абдурраззоқ Жамолиддин ал-Коший ас-Самарқандий (ваф.730 х.) «Таъвилот ал-Қошоний» номи билан машхур бўлган тафсир ёзган. Бу тафсир алоҳида икки мужаллад ҳолда ва Абу Муҳаммад ибн Абу ан-Наср аш-Шерозий қаламига мансуб «Ароис ал-баён фи ҳақоик ал-Қуръон» номли тафсирнинг ҳошиясида нашр этилган. Баъзи олимлар мазкур тафсирни Ибн Арабийга нисбат берадилар. Аш-Шайх Рашид Ризо устози Муҳаммад Абдуҳудан ривоят қилиб ёзган «Ал-Манор» тафсири муқаддимасида: «Абдурраззоқ ал-Қошоний (ваф. 730 х.) «Ботинийя»лардан бўлгани учун ишорий тафсир ёзган, унда Аллоҳ ва Унинг Каломига муносиб бўлмаган мазмунларни баён этиб, ишончли бўлиши ва Ибн ал-Арабийнинг шуҳратидан фойдаланиш мақсадида унинг номига нисбат берган»<sup>23</sup>,-деб ёзади. Муҳаммад Хусайн аз-Заҳабий «Ат-Тафсир вал-муфассирун» китобида шундай ёзади: «Биз Ал-Қошоний «Ботиния»лардан деган даъвога қўшилмаймиз. Бунинг устига мазкур тафсир, яъни «Таъвилот ал-Қошоний»нинг муаллифи Ибн Арабий эмас, балки Абдурраззоқ ал-Қошоний эканлигига шубҳа қилмаймиз. Чунки, биринчидан, барча қўлёзмаларда бу тафсир Ал-Қошонийга нисбат берилган. Иккинчидан, «Кашф аз-зунун» соҳибининг ёзишича, «Таъвилот ал-Қошоний» номи билан машхур бўлган «Таъвилот ал-Қуръон» номли тафсир аҳли тасаввуф истилоҳи бўйича «Сод» сурасигача ёзилган бўлиб, унинг муаллифи аш-Шайх Камолиддин Абул /аноим Абдурраззоқ Жамолиддин ал-Коший ас-Самарқандий (ваф. 730х.)дир. Бу тафсирнинг боши: «Аллоҳга ҳамд бўлсин, Ул зот Каломининг назмини гўзал сифатларининг мазҳари қилди...», деган жумла билан бошланади. Учинчидан, тафсирнинг муқаддимасида Қошонийнинг устози, ҳижрий еттинчи аср охирларида вафот этган Нуриддин Абдуссамад ибн Али ал-Исфаҳоний исмли шайх ҳақида гап борадики, бу шайх 638 х.да вафот этган Ибн Арабийга устоз бўлиши мумкин эмас.

Ал-Қошонийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» тафсири назарий тасаввуф тафсири билан ишорий тафсирни ўзида мужассам қилган. Унинг тафсир қилиш услубидан кўриниб турибдики, унинг тасаввуфий қарашлари Ибн Арабий таълимоти билан ҳамоҳангдир. Тафсирнинг қолган қисми, яъни «Сод» сурасидан Қуръони каримнинг охиригача бўлган такмила муаллифи номаълумдир.

10. Туркий тафсир. Қуръони каримнинг номаълум муаллиф томонидан яратилган бу асар XII-XIII асрларга оид бўлиб, ўша даврда жорий бўлган соф туркий жумла қурилиш қоидаларига риоя қилиб ёзилган. Бу тафсир устида бир неча шарқшунос олимлар тадқиқот олиб борганлар. «Ўзбек олимларидан бу масалани фидоийларча кўтаришга жазм этган филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Маҳмудовни алоҳида номлаш лозим»<sup>24</sup>.

Қ. Маҳмудов Туркий тафсирга ёзган кириш сўзида, бу тафсирни шундай таърифлайди: «Россия фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган 197 рақамли «Туркий тафсир» 1914 йили Қаршидан топилган.

Қ. Маҳмудов мазкур тафсирни ҳозирги замон ўзбек тилига ўгириб, катта илмий тадқиқот мавқеъини эгаллайдиган кириш сўзи билан нашрга тайёрлаган. Бу иш мустақиллик даврида нашр этилган бўлса ҳам, асосан Қуръон ҳақида гапириш тақиқланган даврда бажарилганини назарда тутиш керак.

11. Абу Наср ал-Форобий. Ислом оламида «муаллими соний» деб ном қозонган бу улуғ файласуф ва жамиятшунос аллома «фалсафий тафсирлар» фаслида тилга олинган биринчи йўналишдаги уламолар қаторида бўлиб, ўзининг «Фусус ал-ҳикам» асарида Қуръони каримнинг баъзи оятларини фалсафий фикр асосида таъвил қилган. «Ҳадид» сурасининг 3-«*У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир*»<sup>25</sup> - ояти каримасидаги «*У - Аввал, Охир*» жумласини файласуф олим Оламнинг қадимийлиги хусусидаги Афлотун фикри билан қувватлашга уринади ва шундай ёзади: «Барча нарсанинг мавжудлиги Ундан бўлгани учун, У Аввалдир. Барчанинг матлуби У бўлгани учун Охирдир. Бунинг мисоли «Саодатга

<sup>23</sup> Аш-Шайх Рашид Ризо. Тафсир ал-Манор.-Миср: Ал-Манор, 1927. Т.1.-Б. 18

<sup>24</sup> Ҳамидулла Караматов. Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари. Докторлик диссертация.-Б. 44.

<sup>25</sup> Ҳадид, 3.



эришиш»дир, яъни бир одамдан: «Нима учун сув ичдинг?»-деб сўралса, у: «Мижозимни ўзгартириш учун»,-деб жавоб беради. «Нима учун мижозингни ўзгартирасан?»-дейилса, у: «Соғлом бўлиш учун»,- дейди. «Соғломликни сенга нима кераги бор?»,-деб сўралса, у: «бахт-саодатга эришишнинг шарти шу»,-деб жавоб беради. Демак, замон нуқтаи назаридан «Бахт-саодатга эришиш» ҳамма ишдан кейингиси бўлиб туюлади. Аслида у одамнинг фикрида «Бахт-саодатга эришиш» биринчи, қолган ишлар эса кейинги ишлардир, яъни фикрда аввал, хусул<sup>26</sup>да охирдир. Форобийнинг «Фусус ал-ҳикам» асари Мисрдаги «Ас-Саъода» нашриётида 1907 йилда чоп этилган. Ушбу китобнинг Довуд ибн Маҳмуд ибн ал-Қайсарий томонидан ёзилган шарҳи Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 4647 рақами остида сақланмоқда.

12. Абу Али Ибн Сино. Расоили Ибн Сино.-Ҳиндия: 1908. Ибн Сино ҳам биринчи йўналишдаги олимлар сафида бўлиб, дин ва фалсафани уйғунлаштиришга жуда иштиёқманд бўлган. Қуръон оятларини фалсафий фикрлар билан шарҳлаган, ўзининг фалсафий қарашларига эса Қуръон оятларидан далиллар келтирган. «Ал-Ҳоққа» сурасининг 17-ояти **«Фаришталар эса (осмон) атрофида (Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Раббингиз Аршини у Кунда саккиз(фаришта) кўтариб турур»**<sup>27</sup> тафсирида Ибн Сино Аллоҳнинг Аршини ҳам, уни кўтариб турган саккиз фариштани ҳам «фалак» деб таъвил қилади, яъни «Арш фалакларнинг энг юқори фалаги, саккиз фаришта бўлса, ундан қуйидаги саккиз фалакдир»<sup>28</sup>.

Ибн Сино жаннат, дўзах, сиротни ҳам ўзининг мустақил фикри ва тушунчалари орқали ифода этади, яъни унинг фикрича, олам уч хил бўлиб, ҳиссий олам, хаёлий олам ва ақлий оламга бўлинади. Ақлий оламдан мурод жаннат, хаёлий оламдан мурод дўзах, ҳиссий оламдан мурод қабр<sup>29</sup>.

## 2-фасл. XX аср ўзбек уламоларининг Қуръон мавзуларини ёритишда қилган хизматлари

Динга муносабат масаласида узоқ давом этган маъмуриятчилик ва ғоявий ҳаётдаги атеистик зўравонлик муҳитида Қуръон ва бошқа диний манбалар соҳасида тадқиқотлар олиб бориш умуман чеклаб қўйилган эди. Аммо шундай аёвсиз замонда ҳам юртдошларимиз орасидан фидоий ислом олимлари етишиб чиқди ва улар мавжуд хавф-хатарни писанд этмай, Қуръон тафсир ва таржималари борасида диққатга сазовор ишларни амалга оширдилар. Улардан икки нафари ҳақида қуйида сўз юритамиз.

1. Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий Олтинхон Тўра 1896 йилда Фарғонанинг Чимён қишлоғида диндор оилада таваллуд топди. Отаси Саййид Назир Қуръони каримни тўла ҳифз қилган ва ҳадис илмининг билимдони бўлиб, Эшонхон домла номи билан шуҳрат қозонган. У ёшлик пайтида оиласи билан Қозоғистоннинг илгариги Жамбул-ҳозирги Тароз шаҳрига кўчиб кетади<sup>30</sup>. Олтинхон Тўранинг туғилган жойи хусусида профессор Ҳамидулла Караматов қуйидагича маълумот берган: «Чет элларда Туркистон ўлкасининг кўзга кўринган уламоларидан бири сифатида тан олинган ўзбек таржимони «Авлиё Ота» деб номланган Тароз шаҳрида туғилган»<sup>31</sup>. Олтинхон Тўрага «ал-Фарғоний» эмас, балки «ат-Тарозий» деб нисбат берилиши ҳам бу маълумотнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ёш Саййид Маҳмуд аввал отаси кўлида, кейин ўша давр мадрасаларида ўқиб, араб, форс тилларини, диний адабиётни, Қуръон ва ҳадис илмини мукамал ўрганиб, халқ орасида Олтинхон Тўра нисбати

<sup>26</sup> Рўёбга чиқиш.

<sup>27</sup> Ал-Ҳоққа, 17.

<sup>28</sup> Ибн Сино. Расоили Ибн Сино.-Ҳиндистон: Ҳиндия матбаъаси, 1907.-Б. 128-129.

<sup>29</sup> Ўша асар.-Б. 131-132.

<sup>30</sup> Ўша асар.-Б. 3.

<sup>31</sup> Ҳамидулла Караматов. Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари. Докторлик диссертация.-Б. 46.

билан шуҳрат топа бошлаган эди. Диний олимларнинг ҳаёти таҳлика остида қолганда Олтинхон Тўра 1930 йили ўз ватанидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Аввал Афғонистонда, кейин Покистонда яшаб, кейинги вақтларда Мадина шаҳрида доимий турғун бўлиб қолди. Пайғамбар масжидларида дарс берди, Туркистоннинг буюк олими, адиби деган ном олди. Бир қанча диний рисоалар яратди, Абу Ҳанифа Имом Аъзам қаламига мансуб «Ал-Фикҳ ал-акбар»<sup>32</sup> ақидавий рисола, улуғ муҳаддис олим Муҳиддин ан-Нававий томонидан жамланган уч жилдли «Риёз ас-Солиҳин» ва бошқа ўнлаб диний китобларни ўзбек тилига таржима қилган. Саййид Маҳмуд Тарозий 1991 йил 23 июнда Қурбон ҳайитининг иккинчи куни 98 ёшида вафот этди. У таржима қилган китоблар орасида умрининг асосий иши тарзида Қуръон маъноларининг Туркистон тилига қилинган таржимаси саналади. Олтинхон Тўранинг бу таржимасига қадар Қуръоннинг туркий тилларга мукамал таржима қилинган бирорта намунаси йўқ эди<sup>33</sup>. Ниҳоятда камтарлик билан бундай муқаддас ва масъулиятли ишга қўл урган Олтинхон Тўра бор билимини сарфлаб, 1956 йил 24 апрелда мазкур таржима ва тафсирини ниҳоясига етказди. Уни «Туркистонликлар тилига таржима» деб атади. Ушбу таржима «сўзма-сўз» таржима бўлиб, жумлалар ўзбек грамматика қоидаларига мослаб эмас, Қуръон оятларининг жойлашувига мувофиқ қилиб эски ўзбек ёзувида ўнгдан чапга қараб ёзилган. Таржимадаги бу ноқислик манбалар асосида ҳошияда ёзилган изоҳ ва тафсирлар билан тўлдирилган. Натижада таржима асар тафсирга айланган. Бироқ муаллифнинг таржима жумлалари ва ҳошиядаги тафсирлар барча нашрларда ҳам жуда майда ҳарфда берилгани уни мутолаа қилувчига бироз қийинчилик туғдиради. Олтинхон Тўра таржимаси хориждаги туркистонликлар орасида Қуръонни ўрганиш учун муҳим манба вазифасини ўтади. Уни Марказий Осиёда ҳам қўлдан қўймай ўқишди. Бу таржима хорижда ёзилган ва нашр этилган ягона ўзбекча таржимадир. Унинг яна бир хусусияти хориждаги ўзбек тили, унинг сўз тузилиши, луғат бойлиги ва тарихини ўрганишда муҳим манба эканлигидир. «Бу таржима-тафсир 1955 йили Бомбейда, 1975 йили Карачи-Покистонда, 1980 йили Дуҳада, 1981 йили Жиддада, 1990 йили эса Истанбулда нашр этилган»<sup>34</sup>.

Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллаев томонидан Олтинхон Тўранинг «Қуръони каримнинг Туркистон тилига таржимаси» китоби ҳам Крил алифбосида ёзиб ўқиладиган ҳозирги ўзбек тилига ўгирилган ва таржимон ёзган Сўзбоши, мавзулар бўйича оятлар кўрсаткичи ҳамда баъзи сўзлар маъноси берилган луғат билан 1994 йилда /афур /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Ал-Қуръон ул—карим» номи билан хусусий маблағ эвазига чоп этилган. Таржимоннинг яна бир қилган хайрли иши-Олтинхон Тўра таржима китобида ҳошияда берилган тафсирларни китоб саҳифаларида муносиб ўринларга киритилганидир.

2. Мавлоно мулла Муҳаммад Шариф Ҳиндистоний Рустам ўғли 1892 йил Қўқон музофотиға қарашли Чорбоғ қишлоғида туғилиб тарбия топган. Илк таҳсил ҳақида Ҳиндистоний шундай хотирлайди: «Қиблагоҳимнинг ҳикоя қилишича Қўқонд ва Самарқандда таҳсили улум қилгон эканлар. Марҳум фақиҳ эдилар. Ман олдиларида «Фарзи айн», «Фикҳи Кайдоний» ва ҳам «Мухтасар» то «Китоби никоҳ» ўқугон эрдим»<sup>35</sup>. Ҳиндистонийнинг отаси ўғлини қори қилмоқ мақсадида 8 ёшида Муҳаммад Амин қорига беради. Бир ойдан сўнг устоз вафот этгач, Тошболта домла ҳузурда, кейинроқ эса Қўқондаги Зикриёқори домла ҳузурда Қуръони Каримни хифз қилиб, мулла Эшонқул домладан ибтидоий дарсларни ўқий бошлайди. Илмга чанқоқ ёш Муҳаммаджон чуқурроқ билим олиш мақсадида Қўқонга бориб Минг Ойим мадрасасида Усмон маҳдум муллода ўқигач, 1909 йилда Бухорога йўл олди. Эшон Саяхсин хонақоларида таҳсилни давом эттирди. Ундан 1910 йилда Мозори Саҳига ўтиб халқ орасида

<sup>32</sup> Ал-Фикҳ ал-акбар (Ўзбек тилида, араб ёзувида). Таржимон Саййид Маҳмуд ат-Тарозий.-Жидда: Дор ал-фунун, 1983 (1403х.). –Б. 44.

<sup>33</sup> Тафсири Ҳусайнийнинг татарча таржимаси ва Қарши шаҳридан топилган, XII асрда номаълум таржимон томонидан ўзбек тилига ўгирилган номукамал нусхалари бундан мустасно.

<sup>34</sup> Ҳамидулла Караматов. Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари. Докторлик диссертация.-Б. 46.

<sup>35</sup> Мулла Ҳиндистонийнинг бошидан кечирганлари.Ўзбекистон адабиёти ва санъати,№ 34. 21.08.92й.

«Қози домла» лақаби билан машҳур бўлган Ҳазрат Мирмуҳаммад /авс Саидзодадан илм ўргана бошлади. Устозининг вафотидан сўнг домла Ҳиндистоний Ажмида мадрасани битириб шаҳодатнома олгандан сўнг 1929 йилда Ватанга қайтди. Домла бир неча йил давомида Қуръони карим маъноларини ўзбек тилига таржима қилиб, динимизнинг ривожига, халқимизнинг маънавий тарбиясига муносиб ҳисса қўшди ва ўзидан улуғ бир илмий мерос қолдирди. Домланинг тафсири «Баён ал-Қуръон фи таржимати ал-Фурқон» деб номланади. У 6 жилддан иборат қўлёзма асардир.

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос Сайфиддин Сайфуллоҳ домла Ҳиндистонийнинг мазкур тафсири қўлёзмасини эски ўзбек ёзувидан Кирилл ёзувига ўгириб 2006 йилда нашр қилдирган. Афсуски, ушбу хайрли мақсад билан қилинган ишда адабий манбашунослик ва матншуносликда қабул қилинган маълум талаблар жиддий равишда бузилганлиги сабабли кўзда тутилган ният кўнгилдагидек юзага чиқмай қолган.

Домла Ҳиндистоний Қуръон оятларини таржима ва тафсир қилишда тафсир илмида ман этилган «сўзма-сўз таржима» дан сақлана олган. Унинг таржимаси маънавий таржима бўлиб, аниқроқ айтганда, оятлардан чиққан маънони ўз сўзи билан эркин ифода этган. Буни илмда «Қуръони карим маъноларининг арабчадан бошқа тилдаги тафсири» дейилади. Домла Ҳиндистоний Аллоҳ каломининг мазмунини баён этишда оддий суҳбатдошга гапиргандек содда ва равон гапирган. Бу тафсирни ўқиган ҳам, эшитган ҳам завқ олади, толиқмайди. Бу тафсирда кўхна жонли туркий тилимизнинг ўзига хосликлари, «ошланмаган», «ишланмаган» жилвалари яққол кўзга ташланади.

Хулоса шуки, Домла Ҳиндистонийнинг мазкур таржима-тафсирларини Сайфиддин Сайфуллоҳ тарафидан кирилл ёзувига ўгириб, нашрга тайёрлашда йўл қўйилган жиддий камчиликлар бу тафсирни шарқшунос ва диний олимларнинг муҳокамасидан ўтказиб, янгидан нашрга тайёрлашни тақозо этади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзбек шарқшунос олимлари ва дин уламолари узоқ муддат диний таълимга муҳтож халқимизни Қуръон маъноларидан баҳраманд этиш мақсадида жадаллик билан Қуръон оятларини ўзбек тилига таржима ва тафсир қилишга киришдилар. Натижада қисқа давр мобайнида Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги қатор таржима ва тафсирлари дунё юзини кўрди. Бу нашрлар мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан исломий мерос борасида олиб борилаётган янги замонавий сиёсат самарасидир. Қуйида ана шундай қалдирғоч асарлар ва уларнинг муаллифларидан бир нечтаси хусусида маълумот берилади.

3. Муталлиб Усмонов, ф.ф.д. проф. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимасининг 15 порасини ўз ичига олган 1-китоби Муталлиб Усмонов (проф., бош таржимон), Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллаев (фил.ф.д.), Абдусодиқ Ирисов (ф.ф.н.) ва Убайдулло Увватов (фил.ф.н.) каби шарқшунос олимлар гуруҳи томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида нашрга тайёрланган эди. Бу иш 2004 йилда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилди<sup>36</sup>. «Бу даврда замонавий ўзбек арабшунослиги ва исломшунослигида Қуръони каримнинг ўзбекча таржимасини амалга ошириш тажрибаси йўқ эди. Шу боисдан исломшунос мутахассислар олдида ғоят мураккаб вазифа турарди. Зеро, бу таржима мавжуд бўлган таржималардан фарқланиб турувчи илмий-академик таржима нашри бўлиши лозим эди. Олимлар зиммасида Қуръони карим ва ислом тарихи бўйича кўпчиликка маълум бўлмаган маълумотларни замонавий тил ва услубда ўзбек китобхонларига етказиш масаласи турарди. Бизнинг назаримизда қўлингиздаги ушбу илмий-тарихий изоҳли таржима мутахассислар ўз олдларига қўйган вазифани муваффақият билан уйдалаганлар»,-деб ёзади академик Неъматилло Иброҳимов мазкур таржимага ёзган тақризда. Илмий-академик таржимага, айтиб ўтилганидек, бир гуруҳ етук билимга эга бўлган олимлар ўз ҳиссаларини

<sup>36</sup> Қуръони карим. Таржима ва илмий-тарихий изоҳлар муаллифи М. Усмон. I-китоб. Т.: ФАН, 2004. 366 б.

қўшганлар. Таржима турли савияда бажарилган бўлса ҳам, умуман олганда, Қуръонни ўрганиш, Унинг оятлари мазмунлари билан ўзбек халқини таништириш йўлида жуда катта иш қилинган. Марҳум профессор Муталлиб Усмонов Қуръони каримнинг очкичи бўлган 1-«Фотиҳа» ва энг узун суралари бўлган 2-«Бақара» ҳамда 3-«Оли Имрон» сураларини таржима қилиб, илмий изоҳлар берган. Китобнинг Кириш қисми ҳам шу олимнинг қаламига мансубдир.

Марҳум Абдусодиқ Ирисов Қуръони каримнинг 4-«Нисо», 5-«Моида», 6-«Анъом», 7-«Аъроф», 8-«Анфол», 9-«Тавба» сураларини таржима қилган. Унинг таржимаси кўп жойларда равон, тушунарли баён этилган. Баъзи жойларда диний уламоларнинг таржималаридан тушуниладиган маънодан фарқли ҳолатлар ҳам мавжуд.

Қуръони каримнинг 10-«Юнус», 11-«Худ», 12-«Юсуф», 13-«Ар-Раъд», 14-«Иброҳим», 15-«Ал-Ҳижр», 16-«Ан-Наҳл» сураларининг таржимаси ва изоҳи профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Исматулло Абдуллаев томонидан бажарилган. И. Абдуллаевнинг таржимаси мукамал, тили равон, тушуниш осон бўлиш билан бирга, бошқа таржималардан баъзан устунлик билан, баъзан эса нуқсон билан фарқ қиладиган жойлари ҳам мавжуд.

Қуръони каримнинг 17-«Ал-Исро» сурасини таниқли олим, тарих фанлари доктори Убайдулло Уватов таржима қилган.

Шундай қилиб, Қуръони карим илмий-академик таржимасининг 1-китоби нашрдан чиқиб, истифодага йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимларидан мазкур илмий-академик таржиманинг 2-китобини ҳам кутиб қоламиз ва бу хайрли ишда барчаларига муваффақият тилаймиз.

4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири ҳилол» асари. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1952 йил Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоятида диний оилада туғилган. 1964-1971 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиган. 1971-75-йилларда Тошкент Ислом институтини битириб, 1975-80 йилларда Ливия Халқ Жамоҳирияси Ислом Даъвати Олий Институтида таҳсилни давом эттирди. Ўқишни битириб Ўзбекистонга қайтгач, 1980-йилдан 1982-йилгача Мусулмонлар Диний Идорасининг «Халқаро алоқалар» бўлимида ишлади. 1982-89 йилларда Имом ал-Бухорий номидаги Ислом Институтида аввал мудир ноиби, кейинчалик мудир лавозимида фаолият юритди. 1989-йил март ойидан бошлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мусулмонлар Идораси раиси этиб сайланди. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Иймон», «Тасавуф ҳақида тасаввур», «Ихтилофлар ҳақида», «Дин насиҳатдир», «Васатийлик ҳаёт йўли», «Шоядки такводор бўлсангиз», бир неча ўн жилддан иборат «Ҳадис ва ҳаёт» (Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари тўплами шарҳи) каби қатор асарлар муаллифидир. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимиз мусулмонларининг Қуръон илмларига бўлган кучли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Тафсири ҳилол» номли кўп жилдли асарини яратишга киришди. Муаллифнинг ушбу тафсири ҳақида филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Кароматов ўзининг «Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари» номли докторлик диссертациясида: «1992 йили Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф кетма-кет 28, 29 ва 30 поралар таржимасини «Тафсири Ҳилол» деб нашр этади. Мазкур таржима ўз тузилиши жиҳатидан намуна бўла олади»<sup>37</sup>, -деб унинг бошқа таржималардан афзал эканини таъкидлайди.

5. Алоуддин Мансур ўғли Рустамов 1950 йилда Қирғизистон республикаси Ўш вилоятининг Қорасув шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач мустақил таълим билан шуғулланган. 1995 йилда Қирғизистон Давлат Университети фахрий профессори, 1997 йилдан бошлаб эса Қуръони каримни ўрганиш тадқиқот марказининг директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Алоуддин Мансур Қуръони каримни замонавий ўзбек адабий тилига изоҳли таржима қилинган «Қуръони каримнинг изоҳли

<sup>37</sup> Ҳамидулла Кароматов. Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари. Докторлик диссертация.-Б. 47.

таржимаси» китобини 1992 йилда «Чўлпон» нашриётида чоп қилдирди. Хайридин Султонов таъкидлаганидек: «Алоуддин Мансур бизга ҳар сафар маърифат олиб келарди. Мана бугун ўша маърифатпарварлик саъй-ҳаракатининг самараси сифатида мазкур тафсир вужудга келди»<sup>38</sup>. Алоуддин Мансур раҳбар бўлган Қуръони каримни ўрганиш маркази ушбу хайрли ишни давом эттириб, Қуръони каримни ўзбек тилидан ташқари қирғиз, қозок, қорақалпоқ ва рус тилларига ҳам таржима қилиб 1 миллион нусхадан ортиқ нашр этилган китоб Қуръони карим маъноларини ўрганишга қизиқувчи турли миллат кишилари қўлига етиб борди.

6. Шайх Абдулазиз Мансур. Мансуров Азизжон (Абдулазиз) Дадажон ўғли 1944 йил 14 апрелда Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғида туғилган. У 1961 йил ўрта мактабни тугатганидан сўнг турли давлат ташкилотларида ишлаган. 1975 йилда Тошкент Ислом институтига ўқишга кириб, 1979 йилда тугатган. 1977-1980 йилларда “Совет Шарки мусулмонлари” мажалласида масъул котиб бўлиб ишлаганди. 1980-1981 йилларда Судан Демократик республикаси Умдурмон университетининг шариат факультетида таҳсил олди. Хориждан қайтгандан сўнг Ўзбекистондаги диний ва ҳукумат идораларида турли вазифаларда ишлади. 2006 йил 28 августдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Абдулазиз Мансур қайси вазифа ва лавозимда ишламасин, ижоддан бир нафас ҳам тўхтамади. Унинг қаламига мансуб ўнлаб, рисоалар, таржима китоблар нашр этилиб, ўз мухлислари кутубхонасидан жой олди. Шулар жумласидан, “Ақоид матнлари”, “Минг бир ҳадис”, “Ислом гиёҳвандликка қарши”, ахлоқ ва одобга доир “Ҳадислар тўплами” китобларини санашимиз мумкин. Бундан ташқари, араб адабиётига доир “Унвон ал-Баён”, “Атвоқ аз-Заҳаб” номли китобларнинг таржимаси ниҳоясига етиб қолди. Абдулазиз Мансурга ҳамма ишларидан кўра обрў ва шараф келтирган, охиратига ҳам муносиб захира бўладиган иши Қуръони карим маъноларининг таржимаси бўлди. Бу таржима истиқлол шарофати билан ўзбек халқи диний эркинликка эришган, диний-илмий меросларни ўрганишга ўта чанқоқ бўлган даврда, халқ учун ушалган армон сифатида туҳфа бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

7. Шамсуддин Бобохонов Зиёвуддинхон ўғли 1937 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Арабшунос, филология фанлари номзоди. 1975-82 йилларда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом маъҳадига ректорлик қилди. 1982 йилдан 1989 йилга қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, 1994-2001 йилларда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони ҳамда ўриндошлик асосида Жазоир, Иордания, Кувайт ва Баҳрайн давлатларидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси лавозимларида ишлади. Шамсуддинхон Бобохонов қатор илмий ва оммабоп китоблар, рисоалар ва мақолалар муаллифидир. Хусусан унинг қаламига мансуб «Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон» номли китоби динига садоқат, тинчлик, бирдамлик, халқлар ўртасида дўстона ва одилона муносабатларни ривожлантириш йўлида оташин курашчи муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг ҳаёт ва фаолиятларига бағишланади. Шамсуддинхон Бобохонов таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, Қуръони каримнинг 36 сурасини ўз ичига олган 30-Амма порасини ўзбек тилига ўгирди ва изоҳлар билан 1991 йилда чоп эттирди.

8. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши муносабати билан ватанамиз ҳудудига турли мақсадларда турли тоифалар кириб кела бошлади. Уларнинг баъзилари ватанини мустақилликка эришганлиги муносабати билан киндик қони тўкилган табаррук ерни, жонажон юртдошларини зиёрат қилиш учун келаётган мусофир ватандошлар бўлса, бошқа бировлари турли мамлакатларда истиқомат қилиб, бировга нафи тегмаган, кўнгли ғараз ва адоватлар билан тўлган экстремистик гуруҳларнинг вакиллари эди. Улар ҳаммаси ватандошларига моддий ва маънавий ёрдам беришни ваъда қиларди, ўша илк даврларда баъзан содиқ билан хоинни ажратиш қийин эди. Натижада баъзи юртдошларимиз яхши одамлар қолиб, ёмонлар

<sup>38</sup> Ҳамидулла Караматов. Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари. Докторлик диссертация.-Б. 47.

фикрига, қаллоблар йўлига эргашиб кетди. Ана шундайлардан бири Абдували қори эди. Абдували қори Ашурали ўғли Мирзаев 1950 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган бўлса ҳам, бирор олийгоҳда таҳсилни давом эттирмаган. Диний илмнинг бошланғичини Андижонда маҳаллий домлалардан, кейин эса Домла Муҳаммаджон Ҳиндистоний ҳузурида таълим олди. Андижонга қайтгандан сўнг мустақиллик шарофати билан эски шаҳар ҳудудида очилган Жомеъ масжидда имом-хатиблик вазифасида фаолият олиб борди. Унинг манманлиги, илмига ғурури, нафсоний кибр-ҳавоси бора–бора юқорида тилга олинган бегона ғаразғўй тоифалар таъсирига берилиб ҳидоят йўлидан адашишига сабаб бўлди. Оқибатда Абдували қори ўзига илм бериб, дину диёнатга ўргатган устозлари Мулла Ҳаким қори домлага ҳам, Мулла Муҳаммаджон Ҳиндистоний домлага ҳам қарши чиқа бошлади. Уларнинг панд-насиҳатларини қабул қилмади, аксинча уларни кексайиб қолган, фикр доираси тор кишилар сифатида айблай бошлади. У битта ўзини ҳақиқатгўй, комил мусулмон ва Қуръон ҳамда ҳадис маъноларини тўғри талқин этувчи олим сифатида кўрсатиб, бошқаларни кўрқоқ, сотқин, охиратдан дунёни устун қўювчи ва ҳоказо айблар эгаси сифатида талқин қила бошлади. Исломда қанча-қанча бидъатчи фирқалар бош кўтарганлар, Аллоҳ Каломи оятларини тафсир қилишда ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринганлар, бироқ уларнинг хатто бирортаси ҳам бундай жангари хитоблар билан бошланган эмас.

Аввало шуни айтиш керакки, Абдували қори «Қуръонга тафсир ёзаман» деган ният билан астойдил ўтирмаган. Андижон Жомеъ масжидида имомлик фаолиятини олиб бораётган даврда жумъалик маърузаларига Қуръонни асос қилиб олган ва уни мунтазам давом эттирган. Ушбу маърузалар асносида Қуръони каримнинг 15 пораси тафсир қилинган ва магнит плёнкасига ёзиб олинган. Абдували қори тафсирини нашрга тайёрлаган ва унга Сўзбоши ёзиб «Тафсир ал-Фурқон» номи билан фақат биринчи порасини чоп эттирган инсон-Абдулқуддус Абдулвали ўғлидир.

Абдулқуддус муқаддиманинг биринчи саҳифасидаёқ пайғамбарлар ҳақида сўз юритар экан, «Аксар уламоларнинг иттифоқларига кўра Нух(а.с.) биринчи пайғамбардир»<sup>39</sup>-деб, Аллоҳ таоло тарафидан инсонларга юборилган энг биринчи пайғамбар-Нух(а.с.) эканини таъкидлайди. Ақалли «бу уламоларнинг бир фикри» деб изоҳламайди ҳам. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида: *«Албатта, Аллоҳ Одам ва Нухни ҳамда Иброҳим ва Имрон авлодларини оламлар узра (пайғамбарлик учун) танлади»*<sup>40</sup>, - деб Ҳазрат Одамни, «Марям» сурасида эса: *«Яна ушбу китобда Идрис қиссасини ёд этинг! Дарҳақиқат, у садоқатли пайғамбар эди. Биз уни юксак мақомга кўтардик»*<sup>41</sup>, -деб Идрис(а.с.)ни пайғамбарликка танлаганини айтади. Ҳолбуки, Одам(а.с.) ва Идрис(а.с.) Нух пайғамбардан олдин яшаганлар.

Энди Қуръон тафсирининг ўзига келсак, айтиб ўтилганидек, ундан фақат бир порасининг тафсири китоб ҳолида нашр этилган бўлиб, бу китоб «Фотиҳа» сураси тафсиридан бошланган ва «Бақара» сурасининг 141-оятни каримаси тафсири билан ниҳоясига етган. Абдували қорининг тафсири услуб ва баён жиҳатидан анча мукаммал ёзилган бўлишига қарамай, унда икки жиддий нуқсон кўзга ташланади. Биринчиси, муфассир ўзини «аҳли сунна вал жамоа» дан эканини эътироф этса-да, бирор муайян мазҳабда мустақим эмас. Иккинчи жиддий нуқсон, оятларни тафсир қилиш асносида, кимларнидир назарда тутган ҳолда, ўта жангарилик билан айтилган танқидий фикрлар билан боғлиқ. Бундай жангарилик кайфияти муаллифни ўз замондошларига нисбатан ишончсизлик ва такаббурлик, янада хатарли томони, кўпчилик мўминларнинг иймонига нисбатан шубҳа билан қарашга олиб келган.

Шундай қилиб, XX аср иккинчи ярмида тафсир илмлари соҳасида юртимиз уламолари томонидан анча-мунча ишлар амалга оширилди. Уларнинг илмий савияси, йўналишлари турлича бўлишига қарамай, умуман олганда, Қуръони карим маъноларини халқимиз онгига етказишда катта ёрдам бўлганлиги шубҳасиздир. Мустақиллик шарофати билан диний

<sup>39</sup> Абдулвалий қори Ашурали ўғли. Тафсир ал-Фурқон. 1-пора. -Б. 8.

<sup>40</sup> Оли Имрон, 33.

<sup>41</sup> Марям, 56-57.

илмларга кенг йўл очилганлиги, қатор диний таълим муассасалари ишга тушиб, ёш авлоднинг чанқоқлик билан билим олаётганлиги бу соҳада келгусида янада улкан ютуқларни қўлга киритишимиз мумкинлигига ишонч туғдиради.